

**«JAXON SAVDO KOMPLEKSI» акциядорлик жамияти**  
**Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши**  
**Б А Ё Н И**

Андижон шаҳри  
Найман кўчаси 69 уй

2018 йил 27 июн.  
соат 10.00

Акциядорлик жамиятининг жами акциялари сони 1 650 000 дона  
Акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга акциялари сони 1 650 000 дона.

Йиғилишда 1 382 238 та овозга эга 9 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари иштирок этдилар.

**Йиғилиш ваколоти 83,77 фоиз.**

**Й И Ё Л И Ш Х А Й Ё А Т И.**

1. Кодиров Тухтамурод –Кузатув кенгаши раиси, йиғилиш раиси
2. Мирзаев Позилжон –Жамият бошқарув раиси
3. Хошимов Анваржон –Андижон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

**К У Н Т А Р Т И Б И**

1. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботи.
2. Жамият бошқарувининг 2017 йил молиявий хужалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2017 йил молиявий хужалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик текшируви ҳулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2017 йил молиявий–хужалик фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда тақсимотини тасдиқлаш.
7. 2018 йил учун жамият аудиторини танлаш ва максимал хизмат ҳақини белгилаш.
8. Жамиятнинг 2018 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг бошқарув раиси сайлаш ва уни ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
11. Жамиятда 2017 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимитни мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
12. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибини сайлаш.

**Саноқ комиссияси таркиби**


1. Бокиев Мухсинжон – жамият ҳисобчиси
2. Исакова Муаттархон – жамият ходимлар бўлими бошлиғи
3. Хуруллаев Раҳматулло – жамият қимматли қўғозлар бўйича мутахасиси

*Кун тартибидаги 1-масала* юзасидан йиғилиш раиси Кодиров Т. сўз олиб, 2017 йил давомида жамият Кузатув кенгаши томонидан олиб борилган ишлар, қабул қилинган қарорлар билан йиғилганларни таништирди. (Кузатув кенгаши ҳисоботи илова қилинади).

*Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:*

*Ўқлаб:-843084 дона акциялар ёки 61,06 фоиз;*

*Қаршилар:-537240 дона акциялар ёки 38,91 фоиз;*





**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 2-масала** юзасидан жамият бошқарув раиси Мирзаев П. сўз олиб, 2017 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. (Жамият бошқаруви ҳисоботи илова қилинади).

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб:-845084 дона акциялар ёки 61,20 фоиз;**

**Қаршилар:-535240 дона акциялар ёки 38,76 фоиз;**

**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 3-масала** юзасидан сўз жамият бош ҳисобчиси Б.Рузиматовга берилди. У ўз сўзида Жамиятнинг 2017 йил молиявий хужалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик текшируви натижалари билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди (аудиторлик ҳулосаси илова этилади).

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб:-845084 дона акциялар ёки 61,20 фоиз;**

**Қаршилар:-535240 дона акциялар ёки 38,76 фоиз;**

**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 4-масала** юзасидан ҳам сўз жамият бош ҳисобчиси Б.Рузиматовга берилди. У ўз сўзида Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хужалик фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди (тафтиш комиссияси ҳулосаси илова этилади).

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб:-848452 дона акциялар ёки 61,45 фоиз;**

**Қаршилар:-531872 дона акциялар ёки 38,51 фоиз;**

**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 5-масала** юзасидан ҳам сўз жамият бош ҳисобчиси Б.Рузиматовга берилди. У ўз сўзида Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди (Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари илова этилади).

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб:-842292 дона акциялар ёки 61,04 фоиз;**

**Қаршилар:-537240 дона акциялар ёки 38,93 фоиз;**

**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 6-масала** юзасидан йиғилиш раиси Т.Кодиров сўз олиб, Жамият 2017 йил якуни бўйича жами 419 150,3 минг сум соф фойда олганлигини, ушбу соф фойдани таксимоти бўйича Кузатув кенгаши томонидан умумий йиғилишга икки хил таклиф берилганлиги маълум қилиб, акциядорларга кулларидаги бюллетенлар орқали ушбу масала бўйича уз муносабатларини билдиришларини суради.

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Биринчи таклиф-** Жамиятнинг 2017 йил яқунлари бўйича олган 419150300 сўм соф фойдасини жамиятни ривожлантириш учун жамият ихтиёрида қолдириш

**Ёқлаб:-842292 дона акциялар ёки 61,04 фоиз;**

**Қаршилар:-537240 дона акциялар ёки 38,93 фоиз;**

*15029*



**Бетарафлар:-792 дона акциялар ёки 0,06 фоиз;**  
**Иккинчи таклиф-** Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича олган 419150300 сўм соф фойдасини акциядорларга дивиденд сифатида тўлаб бериш  
**Ёқлаб:-538824 дона акциялар ёки 39,04 фоиз;**  
**Қаршилар:-841500 дона акциялар ёки 60,96 фоиз;**  
**Бетарафлар:- йўқ;**

**Кун тартибидаги 7-масала** юзасидан йиғилиш раиси Т.Кодиров сўзга чиқиб, 2018 йил якунлари бўйича жамият аудиторини танлаш ва унга тўланадиган максимал хизмат ҳақини белгилаш масаласини жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатига беришни таклиф этди.

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб:-1374076 дона акциялар ёки 99,58 фоиз;**  
**Қаршилар:-5368 дона акциялар ёки 0,39 фоиз;**  
**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 8-масала** юзасидан сўз жамият ҳисобчиси Б.Рузиматовга берилди. У ўз сузида йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг 2018 йил учун тузилган «Бизнес режаси» ва унинг асосий курсаткичлари билан таништириб утди. (Жамиятнинг 2018 йил учун тузилган «Бизнес режаси» илова қилинади).

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

**Ёқлаб:-843084 дона акциялар ёки 61,06 фоиз;**  
**Қаршилар:-537240 дона акциялар ёки 38,91 фоиз;**  
**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**

**Кун тартибидаги 9-масала** юзасидан йиғилиш раиси суз олиб, жамият бошқарув раиси лавозимига ҳозирда шу лавозимда ишлаб келатган Мирзаев Позилжон Муминжонович ва жамиятда ҳуқуқшунос ёрдамчиси вазифасида ишлаб келатган Асроров Самандар Расулжонович номзодлари курсатилганлигини маълум қилиб, йиғилиш иштирокчиларини номзодлар билан таништирди ҳамда акциядорлар бюллетенлар орқали ушбу номзодлар юзасидан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

Мирзаев Позилжон Муминжонович  
**Ёқлаб:-843084 дона акциялар ёки 61,06 фоиз;**  
**Қаршилар:-537240 дона акциялар ёки 38,91 фоиз;**  
**Бетарафлар:-440 дона акциялар ёки 0,03 фоиз;**  
Асроров Самандар Расулжонович  
**Ёқлаб:-0 дона акциялар ёки 0,0 фоиз;**  
**Қаршилар:-1378740 дона акциялар ёки 99,85 фоиз;**  
**Бетарафлар:-2024 дона акциялар ёки 0,15 фоиз;**

**Кун тартибидаги 10-масала** юзасидан йиғилиш раиси Т.Кодиров суз олиб, йиғилиш иштирокчиларини жамият тафтиш комиссияси таркибига сайланаётган номзодлар билан таништириб, ушбу номзодлар юзасидан акциядорлар бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини суради.

**Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди. Овоз бериш натижалари:**

1.Илясов Илхомжон:

15.24



Ёқлаб:-848452 дона акциялар ёки 61,47 фоиз;  
Қаршилар:-531872 дона акциялар ёки 38,53 фоиз;  
Бетарафлар:- йўқ;

2. Абдурахмонова Дилноза

Ёқлаб:-1374956 дона акциялар ёки 99,61 фоиз;  
Қаршилар:-5368 дона акциялар ёки 0,39 фоиз;  
Бетарафлар:- йўқ;

3. Якуббеков Сирожиддин

Ёқлаб:-1374956 дона акциялар ёки 99,61 фоиз;  
Қаршилар:-5368 дона акциялар ёки 0,39 фоиз;  
Бетарафлар:- йўқ;

4. Матмусаев Собиржон

Ёқлаб:-1374956 дона акциялар ёки 99,61 фоиз;  
Қаршилар:-5368 дона акциялар ёки 0,39 фоиз;  
Бетарафлар:- йўқ;

Кун тартибидаги 11-масала юзасидан жамиятнинг кимматли коғозлар масалалари бўйича мутахассиси Р.Хуруллаев сўз олиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамият ҳар йили корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳоловчи томонидан баҳоланиши белгиланганлиги сабабли, “Идрок” МЧЖ томонидан жамиятда 2017 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш ишлари ўтказилиб тегишли хулоса ва тавсиялар берилганлигини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини хулоса ва тавсиялар билан таништирди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди. Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб:-1374956 дона акциялар ёки 99,61 фоиз;  
Қаршилар:-5368 дона акциялар ёки 0,39 фоиз;  
Бетарафлар:- йўқ;

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан йиғилиш раиси Т.Кодиров сўз олиб, жамиятнинг 7 нафар сайланиши лозим булган кузатув кенгаши аъзолари таркибига Андижон шаҳар ҳокимлиги ва акциядорлар томонидан жами 11 нафар номзодлар кўрсатилганлигини маълум қилиб, йиғилиш иштирокчиларини номзодлар билан таништирди. Шунингдек сўзини давом эттириб Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда овоз бериш куммулятив тарзда амалга оширилиши лозимлиги билдирди ва акциядорларга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларни сўради

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қуйилди. Овоз бериш натижалари:

№	Номзодларнинг Исми шарифи	Овозлар сони
1	Кодиров Тухтамурод	1373372
2	Хошимов Анваржон	1373372
3	Мамажонов Нозимжон	1373372
4	Турахужаев Абхон	841500
5	Кукиев Шухрт	841500
6	Кодиров Шухрат	841500
7	Мамуров Анваржон	531872
8	Хожиматов Бозорвой	569408
9	Абдурахимов Авазбек	531872
10	Позилов Фарход	0
11	Махмудов Рахматилло	1373372

15021



Йиғилиш раиси Т.Кодиров умумий йиғилиш кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича акциядорлар бюллетенлар орқали овозлар бериб бўлинган бўлса бюллетенларни санок комиссиясига топширишни сўради.

Сўнг санок комиссияси бюллетенларни йиғиб олиб, умумий йиғилишда катнашиш ҳуқуқига эга акциядорларни руйхатдан утказиш якунига кура жами 9 та акциядорларга бюллетенлар таркатилган булса, йиғилиш якунларига кура 7 та акциядорлар томонидан бюллетенлар санок комиссиясига топширилганлигини маълум қилиб, кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича берилган овозларнинг натижаларини уқиб эшиттирди.

Шундан сўнг жамият акциядори А.Мамуров сўз олиб кун тартибининг 9-масаласи яъни жамият бошқарув раисини сайлаш масаласи юзасидан овоз бериш натижалари бўйича санок комиссиясига эътирози борлигини, жамият уставининг 12.8. бандига асосан жамият бошқарув раиси йиғилишда қатнашаётган акциядорлар овозлар сонини 4 дан 3 қисмидан кўпроги яъни йиғилишда қатнашаётган овозлар сонини 75 фоизидан кўпроги розилиги билан сайланиши кўрсатилганлигини шунга кўра у жамият уставига мувофиқ етарлича овоз олмаган Мирзаев П. жамият раҳбари вазифасига сайланишига қаршилигини билдирди.

Йиғилиш раиси Т.Кодиров мазкур эътирозга жавоб бериб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ яъни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 60-моддаси билан Ушбу Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида, 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 88-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилиниши белгиланганлигини маълум қилди. Бундан ташқари қонуннинг 59-модда 1-қисм 9-хатбошида жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи қонуннинг 60-модда 2 қисмига асосан жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилиниши белгиланган. Шунинг учун жамият бошқарув раиси лавозимида купчилик овоз билан П.Мирзаев номзоди сайланган деб ҳисобланиши лозимлигини билдирди. Сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тадбик этиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, жамиятнинг ички ҳужжатларидан Қонун нормалари устун туришини инобатга олиб, жамият уставига амалдаги қонунчиликка мос келтириш учун ўзгартиришлар киритиш кераклигини таъкидлади ва бу масалада жамият юристига керакли кўрсатмалар бериш кераклиги ҳақида гапирди.

**Юқоридагиларни инобатга олиб, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб ҳамда санок комиссиясининг ахборотини эшитиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши**

#### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**


1. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамият бошқарувининг 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик текшируви ҳулосаси тасдиқлансин.
4. Жамиятнинг 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосаси тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.

*Tsoz*



6. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган 419 150,3 минг сўм соф фойдаси жамиятни ривожлантириш учун жамият ихтиёрида қолдирилсин.
7. 2018 йил учун жамият аудитори танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш масаласи Кузатув кенгаши ваколатига берилсин.
8. Жамиятнинг 2018 йил учун “Бизнес режаси” тасдиқлансин.
9. Жамиятнинг бошқарув раиси этиб Мирзаев Позилжон Муминжонович сайлансин ва уни ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтирилсин.
10. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига
  1. Абдурахмонова Дилноза
  2. Якуббеков Сирожиддин
  3. Матмусаев Собиржонлар сайлансин.
11. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Идрок” МЧЖнинг хулосаси ва тавсиялари тасдиқлансин.
12. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига кўпчилик овоз олган қуйидаги шахслар яъни
  1. Хошимов Анваржон
  2. Кодиров Тухтамурод
  3. Мамажонов Нозимжон
  4. Турахужаев Аюбхон
  5. Кукиев Шухрат
  6. Кодиров Шухрат
  7. Махмудов Рахматиллолар сайлансин.
13. Мазкур йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни белгиланган муддатларда акциядорлар эътиборига етказилишини таъминлаш мақсадида жамиятнинг ва ваколатли давлат органининг веб сайтыга маълумот ва хисоботлар жойлаштириш орқали ошкор этилсин.
14. Ушбу умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш вазифаси жамият бошқарув раиси П.Мирзаевга юклатилсин.

Йиғилиш раиси



Т.Кодиров

Баённома тузилган сана 07.07.2018 йил.